



## SOURCES ON THE HISTORY OF THE CITIES OF THE SOUTH ISLAND (RUSSIAN SOURCES)

**Jalgas Erjanovich Toreniyazov**

*Head of the department*

*Karakalpok Academic Lyceum of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
Nukus, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Source, Russia, Beneveni, D. Gladyshev va I. Muravin, D. Rukavkin, M. Bekchurin, N. N. Muravyov, G. Danilevsky, Ya. V. Khanykov, A. I. Butakov, Riza-Kuli-Mirza

**Abstract:** This article reflects the history of sources on the history of cities of the South Island (XVII-XIX centuries), especially Russian sources, which are considered the most important.

**Received:** 10.09.24

**Accepted:** 12.09.24

**Published:** 14.09.24

## ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ БЎЙИЧА МАНБАЛАР (РУС МАНБАЛАРИ)

**Жалгас Ержанович Торениязов**

*Кафедра мудири*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қорақалпоқ академик лицейи  
Нукус, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Манба, Россия, Беневени, Д.Гладышев ва И.Муравин, Д.Рукавкин, М.Бекчурин, Н.Н.Муравьев, Г.Данилевский, Я.В.Ханыков, А.И.Бутаков, Риза-Кули-Мирза

**Аннотация:** Ушбу мақолада Жанубий Орол бўйи шаҳарлари тарихи (XVII-XIX асрлар) бўйича манбалар тарихи, айниқса энг муҳим ҳисобланган Рус манбалари ўз аксини топган.

## ИСТОЧНИКИ ПО ИСТОРИИ ГОРОДОВ ЮЖНОГО ОСТРОВА (РОССИЙСКИЕ ИСТОЧНИКИ)

**Жалгас Ержанович Торениязов**

*Заведующий кафедра*

*Министерство внутренних дел Республики Узбекистан Каракалпакского академического  
лицея  
Нукус, Каракалпакстан*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Источник, Россия, Беневени, Д.Гладышев ва И.Муравин, Д.Рукавкин, М.Бекчурин, Н.Н.Муравьев, Г.Данилевский, Я.В.Ханыков, А.И.Бутаков, Риза-Кули-Мирза

**Аннотация:** В данной статье отражена история источников по истории городов Южного острова (XVII-XIX вв.), особенно русских источников, которые считаются наиболее важными.

---

**КИРИШ**

Жанубий Оролбўйи тарихини ўрганиш вақтида яна бир қатор манбалар мавжуд, уларсиз тадқиқот қилинаётган мавзунини етарлича ёритиш қийин. Улар XVIII-XIX асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва Орол бўйларига турли мақсадларда юборилган элчилар, аскарлар, савдогарлар, сайёҳлар, олимларнинг ҳисоботлари, хотиралари, илмий асарлари ва бошқалардан иборат.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Россия давлати элчиси Флорио Беневенининг (1721-1725 йиллар) шифрланган хатларида XVIII аср биринчи ярмидаги Орол вилоятининг сиёсий аҳволи, Хива хонлиги билан муносабати тўғрисида маълумотлар берилган. У Бухоро ва Хива хонлари ўртасидаги ўзаро урушларни, оролликлар ва қорақалпоқларнинг ҳамкорликдаги Хива хонлигига қарши кураши, Шохтемир Султонни хон этиб қўтаришга бўлган ҳаракатларини ёзиб қолдиради[1.68.].

Россия элчилари Д.Гладышев ва И.Муравин маълумотлари XVIII асрдаги Жанубий Оролбўйи тарихини ўрганишда манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Унда 1739 йил 20 августдаги Россия императори фармойишига мувофиқ Хива хонлиги ва Сирдарёнинг қуйи ирмоғидаги шаҳар ва овуллар тўғрисида маълумот тўплаш учун поручик Д.Гладышев, геодезист И.Муравин ва инженер-назоратчи Назимов, таржимон Успан Арсланов ва бир нечта казакларни қўшиб жўнатади[2.1.]. Улар Сирдарё ва Орол денгизи қирғоқлари, Хива хонлигидаги Хива, Шахтемир, Хўжайли, Қўнғирот, Хонқа, Шовот шаҳарлари, шунингдек, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқлари тўғрисида маълумотлар беради.

Йўлда 33 кун юргандан сўнг, 1740 йили 7 октябрда Д.Гладышев ҳамроҳлари билан бирга Абулхайрхон резиденциясига етиб келади. Абулхайрхоннинг илтимоси бўйича, Орол эгалигига ўғли Нурали ва тоғаси Ниязни кузатиб бориш учун рус зобитлари юборилади. 15 октябрда Абулхайрхон резиденциясидан чиқиб, 2 ноябрда оролликлар шаҳри бўлган Шахтемир шаҳрига етиб боради[2.2].

Геодезист И.Муравин кўрсатмасида қорақалпоқлар савда-сотик қилиш учун Хива ва Бухоро чорва моллари, тулки ва бўрсук мўйналарини олиб бориб сотади. Оролликлар савдо-сотик ишларини ўзларида ҳам юргизади, яна бошқа шаҳарларга ҳам чорва молларини

сотишга боради. Хивалилар ўз шаҳарларида савдо-сотик ишларини олиб боради, Россия товарларини Астрахан, Шемаха орқали савдогарлар ўз товарларини олиб келади. Хиваликлар ипак газламалари, пахта, қоғоз ишлаб чиқаради, яна улар камарни тез ва қисқа вақтда чиройли ва бежирим қилиб тайёрлайди. Хивалик савдогарлар Бухоро, Эрон ва Россия давлатларига савдо-сотик ишларига боради[2.37].

1753 йилда Оренбург шаҳридан савдо карвони савдо-сотик мақсадларида Хива хонлигига сафарга чиқади. Унинг таркибида бўлган самарали савдогар Д.Рукавкин сафар воқеаликлари тўғрисидаги ёдномалари асосида «1753 йилда самарали савдогар Данила Рукавкиннинг Оренбургдан Хива ва Бухорогача саргузашти» номли асарини ёзади. Савдо карвони йўналиши: Оренбург, Уралск, Сарайчик қўрғони, Устюрт плотаси орқали Урганч, Анбир қўрғони, Шават, Хива, Бухорогача ва қайтишида Сирдарё бўйлари орқали қайтади[3.47].

Янгидарё худудидаги қорақалпоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида Россия элчиси М. Бекчурин кундалигида маълумотлар учрайди. Ушбу кундалик дастлаб тарихчи-олим Х.З. Зияев асарида илмий муомалага киритилган[4.127].

М.Бекчурин кундалигида элчилик миссияси давридаги воқеалар санама-сана берилган: «6 декабр куни (1780йили) Бухоро томонга борадиган катта йўл бўйлаб юрдик. 8 декабр куни Оқ-мулла деган жойдаги Янги сув (Жаңадэрья) қошида тунадик. Бу ерларда қорақалпоқлар яшаганлиги учун у ер «қорақалпоқларнинг ери» деб юритилади. Қорақалпоқлар деҳқончилик билан шуғулланади, улар 200 та овулни ташкил этади. Улар Эрали Султон раҳбарлигидаги қозоқ улусига бўйсуниб, буғдой билан солиқ тўлайди. 9 декабрь куни Янгидарё (Жаңадэрья) қирғоқлари бўйлаб юқори томонга 10 чақирим юриб, дарёдан Бухоро томонга ўтдик. «Жингилди баши» деган ерда тунадик, йўл қумли, тепаликлар ва саксовуллар кўп. Янгидарё (Жаңадэрья) Кувондарёдан (Қуўандэрьядан) оқиб келади. Бу дарёлардан қорақалпоқлар экин ерларини суғоради. Бу ерларда эски уйлар қолдиқлари сақланган. Шунингдек, узунлиги 150 ва эни 50 метрлик шаҳар бор»[4.117-118].

XIX асрнинг биринчи чорагида шаҳарларнинг иқтисодий ҳаёти, кундалик ҳаёти ва маданияти, савдо алоқалари ва бошқа сиёсий воқеалар тўғрисида Н.Н.Муравьевнинг «Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг» асарида ўз аксини топган. Масалан асарда «Қорақалпоқлар Амударё бўйлаб кўчиб юрувчи ва маълум бўлаги Жанубий Орол бўйларида деҳқончилик билан шуғулланади. Бу халқ жанговар. Ўзбеклар билан савдо-сотик олиб боради. Халқининг сони юз мингдан кўпроқ»[5.26].

1842 йил 29 май кунида Оренбург генерал-губернатори буйруғига мувофиқ подполковник Г.И.Данилевскийни Хива хонлигига элчи вазифасига тайинлайди. Унинг

элчилик миссияси таркиби таржимон ва котибликдан ташқари, табиатшунос олим Базинер, икки топограф ва соқчи сифатида 20 казакдан иборат эди.

Данилевскийнинг элчилик миссиясининг асосий мақсади Хива хонлиги тўғрисида топографик ва статистик материаллар тўплаш билан бирга, хонликнинг табиий-географик тузилишини ўрганишдан иборат эди. Юклатилган вазифалар элчилик миссияси томонидан тўлиқ амалга оширилади. 1843 йил Хива хонлигида Г.Данилевский экспедицияси аъзолари томонидан Хива хонлигининг карталари чизилган. Г.И.Данилевскийнинг «Описание Хивинского ханства» асарида элчилик сафаридаги хотиралари баён этилган. Унда Хива хонлиги, Устюрт ва Орол денгизи бўйларидаги халқлар тарихи бўйича маълумотлар қолдирилган. Булардан Чимбой, Хўжайли ва Қўнғирот шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни келтирамиз:

«Чимбой ва Қўнғирот шаҳарлари қорақалпоқларнинг маъмурий маркази ҳисобланади. Оролликларнинг орасида Хўжайли шаҳри катта, муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳар атрофида кўшни халқлар билан биргаликда қорақалпоқлар ҳам жойлашган. Чимбойда улкан карвон сарой, 150 та дўкон, Қўнғиротда 350 та дўкон, Хўжайлида 150 та дўкон бўлган. Қўнғирот бозоридаги дўконларда бозор кунларидан бошқа кунлари ҳам мунтазам савдо бўлади. Ушбу шаҳарлар ички савдо ҳам катта аҳамиятга эга саналади[6.67].

Подшо Россияси элчилари таркибида Россия Фанлар академияси, рус географик жамияти аъзоларидан Орол денгизи, Ўрта Осиё табиий бойликлари, картографияси ва географиясини ўрганиш мақсадида мутахассислар юборила бошлайди. Бу мутахассислар асарларида Жанубий Орол шаҳарлари ҳам жой олган.

Яков Владимирович Ханьков (1818-1862 йиллар) Ўрта Осиё географияси, тарихи ва иқтисодиёти бўйича қатор асарлар ёзган. Рус географик жамияти аъзоси Я.В.Ханьков томонидан Ўрта Осиё, Орол денгизи ҳудудларида яшовчи халқлар тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида илмий тадқиқотлар олиб борилади. У Орол денгизи тўғрисида дастлабки «Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с окрестностями» деб номланувчи тарихий картографик асар муаллифи ҳисобланади[7.279].

Я.В.Ханьков томонидан Ўрта Осиё ва Қорақалпоғистон тарихи учун аҳамиятли манба ҳисобланган «Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 годах Гладышевым и Муравиным» асарининг нашрдан чиқарилиши катта илмий фаолияти натижаси ҳисобланади. Ушбу асарда қорақалпоқлар тарихи, этнографияси ва шаҳар, қўрғонлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган[8].

XIX асрнинг ўрталарида Россия империяси сиёсий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Орол денгизини географик ва картографик жиҳатдан ўрганиш бошланади[9]. 1839 йилги Перовский раҳбарлигидаги Хива хонлигига ҳарбий юриш омадсиз яқунланиши

сабабли подшо ҳукумати Ўрта Осиёга ҳарбий сафарбарлик тактикасини ўзгартира бошлайди. Бундан буён олға силжиш учун режали мустаҳкам плацдарм тузишга тайёргарлик кўради ва Ўрта Осиё хонликларининг географик ва картографик жиҳатдан ўрганишга алоҳида диққат-эътибор қаратади. Бу даврда Россия империяси учун Орол денгизининг иқтисодий ва ҳарбий стратегик аҳамияти жуда катта эди. Шу мақсадда 1847 йили Орол флотилияси ташкил этилиб, унинг ёрдами билан Ўрта Осиё хонликларида келгусида ҳарбий юришга тайёргарлик қилиш учун Россия империяси томонидан Орол флотилиясининг раҳбари контр-адмирал А.Бутаковга 1848 йили Орол денгизи ҳудудларини чуқур ўрганиш ва уни географик томондан таснифлаш вазифаси юклатилади. Унинг кузатишлари «Кундаликлари»да баён этилган[10.60].

А.И.Бутаковнинг хатлари, экспедиция даврида қайд этиб борган кундаликлари, Орол денгизи атрофидаги халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисидаги тарихий маълумотлар берилган. Улардан «Эпизод из современной истории Средней Азии» номли мақолада куйидаги маълумотлар келтирилган.

Хива хонлиги қуйи Амударё оазисида жойлашган. Об-ҳавоси иссиқ ва ёғингарчиликсиз, континентал климат, улар Амударёдан каналлар орқали деҳқончилик ерларини суғоради. Хонликнинг шимолидаги Қўнғирот вилояти Орол денгизи билан туташади. Амударё бир нечта оқимларга ажралади, у ерларда Хива хонлиги таркибидаги бир неча кичик шаҳар, қўрғонлар мавжуд. Таллиқ дельтаси бўйидаги асосий шаҳар Қўнғирот бўлиб, вилоятдаги барча халқ учун марказий бозор ҳисобланади. Қўнғиротда 7-8 минг аҳоли яшайди, улар туркий қавмлар авлодлари. Ўзбеклар савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Қорақалпоқлар бутун вилоятда 80-90 минг халқ, улар тинчликсевар ва меҳнаткаш халқ, деҳқончилик билан шуғулланади[11.235-244].

1857 йилнинг охирида Хивага юбориладиган элчилик миссияси раҳбари этиб бош штаб полковниги флигел-адютант Н.Игнатъев белгиланади. 1858 йил май ойида 18 одамдан иборат элчилик миссияси ва 57 отлик аскарлар билан Оренбургдан йўлга чиқади. Орол денгизиде Бутаков бошқараётган «Перовский» пароходи элчи Игнатъевни Урга (Үрге) (Орол денгизидеги қўлтиқ) қошида кутиб олади. Аммо хиваликлар, Хива шаҳригача парохода бориш тўғрисидаги рус элчилари фикрларига қарши бўлганликдан Н.Игнатъев юклар ва савғо-саломларни кемаларда Қўнғирот шаҳрига жўнатади. Ўзи элчилар билан Орол денгизи ғарбий қирғоқлари бўйлаб Айбуйир қўлтиғи орқали Қўнғиротга келади. Элчилик миссияси аъзоларидан бўлган Килевейн Қўнғирот шаҳри тўғрисида маълумот беради.

«Халқи кичик овулларда, далаларда, каналлар бўйларида, умуман айтганда, Амударёнинг чап оқимида Хива хонлигида ўтроқ халқ жойлашган. Улар деҳқончилик

билан шуғулланади. Ҳар бир ер эгаси ўз ерини пахса деворлар билан ўраб олган. Уларнинг боғи майдонлари, баъзиларининг хунармандчилик устахоналари бор. Бундай ер эгаларини Бек ёки хўжайин деб чақиришади. Қўнғирот шаҳри Амударёнинг қирғоғида 4 верст ораликда, Хонёп (Ханжап) каналининг чап оқимида улкан девор билан қуршаб олинган»[12. 1-12].

1858 йилги полковник Н.П.Игнатъев раҳбарлигидаги экспедицияни қўриқлаб бориш учун Урал казакларидан ҳарбий гуруҳ тузилган эди. Ушбу гуруҳдаги казак зобитининг «Айбуйир қўлтиғидан Қўнғиротгача» номли кундалик дафтари «Уральские войсковые ведомости» газетасининг 1868 йил 25 февралдаги сонидан чоп этилади. Кундалик дафтарда XIX асрдаги Қўнғирот шаҳри халқининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи тўғрисида аҳамиятга молик маълумотлар берилган[3.65].

XIX аср 70 йилларида Жанубий Оролбўйини ўрганиш бўйича экспедициялар тузилиб, экспедиция аъзолари ҳисоботларида ўрганилаётган мавзу бўйича бир қанча қимматли манбалар учрайди.

Амударё дельтасида Генштаб полковниги А.В.Каульбарс географик тадқиқотлар олиб боради. У тузган китобда қорақалпоқларнинг макон жойлари, қўрғон шаҳарлари кўрсатилган, план-схемаси берилган. Қўнғирот шаҳри планини А.В.Каульбарс ғоят ажойиб тарзда тузган. Қўнғиротда тўрт дарвоза (ворота) бўлган: Оқим эшон, Ниязбий, Сайдбий, Ғарбий дарвоза. Қўнғиротда хон мачит, ҳовлилар, уй-томлар, қора уйлар мавжудлигини ёзади. Каульбарс Оқ қалъа (Ақ қала) қўрғонининг режасини чизган. Оққалъада мулла Нурмуҳаммад мачити борлигини, бозор жой, қора уйлар қурилганини таъкидлайди. У «кўчманчи қорақалпоқлар ҳаёти» ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар беради. Қорақалпоқларнинг ўтови (қора уйи) козоқларнинг юртидан ўзгача дея кўрсатади. Каульбарс қорақалпоқ овулларида арава жудаям кўп деб баҳолади. Тербенбес овулида балиқчи мўйтанларнинг турар жойлари (қора уйи) мавжудлигини ёзади[13.555].

Шунингдек, рус шарқшуноси А.Куннинг илмий ишлари ҳам катта қизиқиш уйғотади. Унинг асарларида Жанубий Орол бўйидаги Чимбой, Тўрткўл, Хўжайли, Шейх-Аббаз ва Нукус сингари шаҳарларнинг вужудга келиши ўз аксини топган. Шаҳарларнинг савдоси, халқи тўғрисида, мачит ва мадрасалар ва бошқалар ҳақида маълумотлар беради[14].

Мустамлака даврдаги Жанубий Оролбўйи шаҳарлари тарихига оид қизиқарли маълумотлар рус рассоми Н.Каразиннинг асарида келтирилган бўлиб, у Амударё оқимидан Петро-Александровск (Тўрткўл) шаҳрига борган. Рассом Жанубий Оролбўйидаги бир қанча шаҳарларда (Хўжайли, Чимбой) бўлиб, саёҳат натижалари асосида унинг «В низовьях Аму» саёҳат эскизлари яратилди. Н. Каразин Чимбой шаҳри ҳақида маълумотлар беради. Чимбой бозори, кўчалари тор ва қиска. Чимбойда тошдан қурилган ханодонлар кам. Бутун



шаҳар пақса деворлар билан 1,5 верст ўралган. Қорақалпоқлар ёзда яйловга кўчиб, қишда Чимбой шаҳрига қайтиб келади. Улар қирмонни биргаликда йиғади. Қорақалпоқларнинг умумий халқи қирқ минг қора уйга яқин[15. 204-205].

А.Е.Росикова Жанубий Оролбўйи минтақаси халқи учун шаҳарларнинг аҳамияти ва Амударё бўлими халқи ўртасидаги муносабатлар тўғрисида таъкидлаб ўтади. Энг муҳими унинг асарида Астин-қалъа, Женгели-қалъа тўғрисидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Қипчоқни қадимийликда Кўҳна Урганч шаҳри билан тенглаштиради. Нукус кўрғони тўғрисида ўз кўзлари билан кўрганларини ёзиб қолдиради[16.643-656].

Тадқиқотчи Гришфельд шаҳар ҳаёти ва уларнинг сони тўғрисида маълумот беради. Унинг маълумотига кўра, Жанубий Оролбўйи шаҳарларидан бири бўлган Чимбой шаҳри аҳолиси бўйича ҳатто Петро-Александровск (Тўрткўл) ва чап қирғоқликнинг барча шаҳарларидан ҳам ўтиб кетди. Чимбой шаҳрида 801 та оила ёки 4000 нафар одам бўлган[17.133].

Риза-Қули-Мирза ўз асарларида Жанубий Оролбўйидаги маъмурий, савдо марказларидан бири бўлган Чимбой шаҳрига тўхталиб ўтади. Унда у Чимбойнинг ички ҳаёти батафсил тўлиқ баён этилган, ҳунармандларнинг сони, аҳолиси, миллий таълими, шаҳар ташқарисидаги савдо алоқалари тўғрисида маълумот беради. Унинг маълумотларига кўра, Чимбой бозорида Бухородан келтирилган ипаклар, Россиядан олиб келинган газлама ва бошқа материаллар сотилган[18.25].

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда мавзу юзасидан кўплаб тарихий манбалар мавжудки, уларни қиёсий таҳлил этиш орқали тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. XIX асрнинг ўрталарида ташкил этилган экспедицияларда Жанубий Оролбўйи минтақаси аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, минтақанинг табиий шароити ва сув йўллари, халқ турмуш тарзида шаҳарларнинг ўрни, савдо алоқалари Амударё бўлими ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатлар, ҳунармандчилик, аҳолиси, таълим тизими кабилар эътибор қаратилган. Ушбу маълумотларни тўплашда Россия империяси сиёсий-иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилган ва эътибор қаратилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Посланник Петра I на Восток. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. - Москва, 1986.
2. Ханьков Я. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 годах поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиным. Географические известия Императорского Русского Географического Общества. Вып. 4. Отд. 2. – Санкт-Петербург: Типография Министерства внутренних дел, 1851.

3. Turganov B.Q. Qaraqalpaqstan tariyxınan derekler (oqıw qollanba). – Tashkent, «Tafakkur-bo‘stoni», 2019
4. Зияев Х. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент: Фан, 1973.
5. Муравьев Н.Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. Часть I-II, М., 1822.
6. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки Русского географического общества. Кн В. – СПб., 1851.
7. Ханьков Я.В. Пояснительная записка к карте Аральского моря и Хивинского ханства с окрестностями // Записки русского географического общества. 1851. кн.В. – СПб., 1851. // Туркестанский сборник, Том. 319.
8. Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная в 1740-1741 годах Гладышевым и Муравиным издана с приобщением современной карты Миллерова пути от Орска до Зюнгорских владений и обратно, Я. В. Ханьковым, действ. чл. имп. русск. геогр. общества. – С.Петербург, 1851.
9. Сулайманов С.А. Орол ва Амударё флотилияси тарихи (1847-1920). Автореферат. Нукус 2010
10. «Дневные записки плавания А.И. Бутакова на шхуре «Константин» для исследования Аралского моря в 1848-1849 гг» // Подготовка к печати Е.К. Бетгера. – Тошкент, 1953.
11. Бутаков А.И. Эпизод из современной истории Средней Азии. // Туркестанский сборник. 1867. Том. 5.
12. Килевейн Е. Отрывок из путешествия в Хиву некоторые подробности о ханстве во время правления Сейд-Мухаммад хана 1856-1860 г. // Туркестанский сборник. – Том, 388.
13. Каульбарс А.В. Низовья Амударьи. Спб. 1881.
14. Кун А.Л. Культурный оазис Хивинского Ханства // Туркестанские ведомости, 1874. № 9; Унинг; Культура оазиса низовьев Амударьи от Кунграда до Чимбая // Материалы для статистики Туркестанского края., Вып. IV. СПб. 1876.
15. Каразин Н.Н. В низовьях Аму. Путевые очерки «Вестник Европы», к.3., СПб., 1875.
16. Россикова А. По Амударье от Петро-Александровска до Нукуса // Русский Вестник. СПб., 1902, № 8, 10.
17. Военно-статическое описание Хивинского оазиса. Сост. Гиршфельдом. ч. II. Т. Изд.тип.шт. Турк. ВО, 1903.
18. Краткий очерк Аму-Дарьинской области / Сост. перс. принцем Риза-Кули-Мирза... Гвардии полк. – Санкт-Петербург: тип. Тренке и Фюсно, 1875.